

Ўзбекистон: болалари ва ҷемирларининг газетаси

ЎзССР Давлат китоб палатаси

АГАР МЕН МАКТАБ ДИРЕКТОРИ БЎЛИБ ҚОЛСАМ

Ёзги таътил ҳам тугай деб қолди. Негадир яна ўқишлар бошланишини ўйлаб, ҳеч бўлмаганда бир кун мактаб директори бўлиб қолсам дейман. Шунда талайгина ўзгаришларни амалга оширган бўлар эдим.

Қандай ўзгаришлар экан, дейсизми? Биринчи галда мактаб ошхонасидан хабар олган бўлардим. Таомларнинг турларини, сифатини яхшилар эдим. Ахир ҳар кун бир хилдаги, мазасиз таомларни еявериш ўқувчиларнинг ҳам кўнгилларига уриб кетганда. Тушгача ўқийдиган ўқувчилар мактаб ошхонасидан бирор иссиқроқ егулик таом олиб қолишлари мумкин-а, лекин тушдан кейин ўқийдиган болалар ошхонадан бирор нарса сотиб олишни умид қилмасалар ҳам бўлади.

Директор бўлиб қолсам, ҳар тонг эшик олдида туриб олиб ўқувчиларга қарата "Ҳой, бош кийимингни еч, ҳой, тўполон қилма" дея бақирмаган бўлардим. Чунки, бу муомала ўқувчининг кайфиятига кун давомида жуда ёмон таъсир қилишини яхши биламан. Қолаверса, ўқувчиларни мактаб йўлаклариди, ошхоналарда навбатчиликка қўймасдим, дарсга киришга ё чиқишга қўнғироқ чал ёки кимнидир уйдан чақириб кел, дея буйруқ бермаган бўлардим. Ахир, ота-оналаримиз бизни мактабга билим олиш, ўқиб-ўрганиш учун юборишади, ошхонада идиш-товоқларни ювиш, пол артиш учун эмас. Бундай юмушларни бажарадиган ва бунинг учун маош оладиган одамлар бор-ку, ахир.

Яна мен дарс жадвалига 7-8 соатдан

дарслар қўйиб, ўқувчиларни толиқтириб қўймаган бўлардим. Ўқувчиларни турли сўзлар билан ҳақорат қиладиган, ҳатто урадиган ўқитувчиларга қаттиқ хайфсан берардим. Катталар қўпол гаплари билан ёш, мурғак қалбларга қанчалик жароҳат етказишларини билмайдилар чоғи. Шундай пайтларда уларга қараб туриб ўйланиб қоламан: улар ҳам бир пайтлар ёш бола бўлишганмикан?

Амалга оширадиган ишларимдан энг муҳими-синф хоналарини безатиш бўларди. Чунки улар шунақанги кўримсиз ва бўм-бўшқи, кайфиятнинг тушиб кетади. Яна бир гап. Мактабда дам олиш хонаси ташкил қилиб, уни яхшилаб, жиҳозлаб қўйган бўлар эдим. Токи ўқувчилар кўнғироқ пайтида йўлакларни чангитиб

югуравермасдан, шу хонада телевизор кўриш, шахмат-шашка ўйнаш, газета ва ойномаларни ўқиш имкониятига эга бўлишсин.

Мактубимнинг сўнгида ўзимнинг қайси мактаб ва нечанчи синфда ўқишимни ёзиш шарт эмас, деб ўйлайман. Ўйлашимча, жуда кўплаб тенгдошларимнинг дилидаги гапларни ёздим, тўғрими?

Ўз навбатида уларнинг ҳам бу хусусдаги фикрлари билан танишсам дегандим.

АГАР СИЗ МАКТАБ ДИРЕКТОРИ БЎЛИБ ҚОЛСАНГИЗ, НИМА ҚИЛГАН БЎЛАДИНГИЗ?

Насиба,
Самарқанд.

ЭНДИ ЎҒРИЛИК ҚИЛМАЙМАН...

Якшанба кунини дўстим билан шаҳар айланадиган бўлдик. 58-маршрут билан қатнайдиган автобусга чиқдик. Автобус одам билан лиқ тўла эди. Иссиқ ҳаво, тикилинчдан безовта йўловчилар тезроқ манзилларига етиб олишни исташарди. Навбатдаги бекатда ёши 15-16 лардаги ўспирин автобусга чиқди. Негадир у безовта, атрофга олазарак қарарди. Шунинг учун ҳам у менинг кўзимга шубҳали кўринди. Кузатдим. У атрофдагиларни туртиб-суртиб ўртароққа ўтиб олди-да, ўрта ёшлардаги аёлнинг ёнида тўхтади. Бироз уни кузатгач, сумкасига секин қўлини солди. Мен шум ниятини англаб, дарров унга яқинлашдим. Ишини қойилмақом қилиб битирмасиданоқ унинг қўлидан маҳкам ушладим...

Боланинг қўлида маҳкам қисимлаб олинган ҳамён турарди. Ҳеч нарсани сезмаган аёл ҳамёнини кўрди-ю, ажабланиб:

— Ахир бу меники-ку, — деб саросимага тушиб қолди.

Воқеа тафсилотини тушунган йўловчилар эса болага ғазаб билан қарашар, ҳар ким уни ўзича койир эди.

— Бувинг тенгиман. Уялмадингми, бировнинг пулини олишга?! Ахир бу менинг невараларимнинг ҳаққи-ку, — деб жигибийрон бўларди аёл.

Оғир куй



Экан...

М. Амин туширган сурат.

Кейинги бекатда дўстим билан киссавурни автобусдан олиб тушдик. У Яккасарой туманидаги мактаблардан бирида ўқир экан. "Нимага бундай қилдинг?" деб сўраганимизда ўзини оқлашга уринди у.

Ўғриламоқчи эмасдим. Лекин туфлигим жуда эски. Янгисини олгим келди...

— Бошқа болаларга ўхшаб фойдали иш билан шуғуллансанг, сен ҳам туфли сотиб олишинг мумкин-ку? — дедик биз.



Бола нима дейишини фойдали меҳнатнинг билмай бошини эгди... аҳамияти тушун-

Сал бўлмаса ҳамёнини тирилмаган ва бу йўлга олдириб қўйиши мумкин ҳеч ким уни бошламаган. бўлган аёлга қанчалик "Янги экилган ниҳолни ачинсак, бу ишнинг қайси томонга буксанг, эгилаверади" дейишади жиноят эканлигини ту халқимиз. Кўп маслаҳат шунар-тушунмас қилган бериб, уни уйига қадар болакайга ҳам ачиндик. кузатиб қўйдиг-у, аммо Нимага дейсизми? кўнглимизга.

Назаримизда, ота-онаси "Бошқа бундай қилмайман" деган унга умуман эътибор ваъдасининг беришмайдиганга устидан ўхшайди. чикармикан, деган савол

Кўриниб турибдики, хижиллик солиб турарди... болага ёшлигидан

Зокиржон ШАРИФ,
ТошДУ толиби.

— Тўғриси айтсам, бундай ажойиб ва сўлим дийр-Ўзбекистоннинг борлиги ҳақида, унинг одамохун, меҳмондўст, танги халқи ўзбеклар ҳақида илгарироқ ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганлигимдан ҳижолат чекдим.

«УЛАР МАМНУН ҚАЙТИШДИ»

2-бет.

Эҳтимол, бугунги ўқувчига бу ном у қадар таниш эмасдир. Лекин юз йил муқаддам у туркий дунёдаги энг машҳур ном эди.

«ИСМОИЛБЕК ГАСПРАЛИ».

3-бет.

Узоқ-узоқларда ўтган боланинг, Мазаси ёдимда қолган қовунлар... Ёшлигим ўтмишидан қолган эсдалик, Номин бор, ўзи йўқ найрон овуллар.

«ХОТИРОТ».

4-бет.




Хабарингиз бор, бундан икки ҳафта муқаддам диёримизга бир гуруҳ америкалик ёшлар меҳмон бўлиб келишган эди. Кун икки кеча улар Фарғона,



мулоҳазаларини билиш дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаб боришимизда жуда муҳимдир, — дея таъкидлади Ўзбекистон

унинг одамохун, меҳмондўст, сафаримиз ҳақида эшитиб, танти халқи — ўзбеклар ҳақида илгарироқ ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганлигимдан хижолат чекдим. Ўзбекистоннинг қасрида, қай бир хонадонда бўлмайлик,

сафаримиз ҳақида эшитиб, тўғриси бироз ҳадиксираган эдим. У ернинг ёшлари қанақа? Уларнинг дунёқараши, қизиқишлари, интилишлари қандай? Бир-



УЛАР МАМНУН ҚАЙТИШДИ

Самарқанд, Бухоро, Шохимардон каби вилоят ва шаҳарларнинг энг сўлим, хушманзара масканларида дам олиб, Тошкентга қайтиб келишди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида меҳмонларнинг сафар таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида давра суҳбати уюштирилди.

— Диёримизда бир неча кун давомда меҳмон бўлиб турган чет эллик ёшларнинг сафар таассуротлари, уларнинг бундай тадбирлар хусусидаги фикр ва

Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматов.

Таассуротлар, фикр ва мулоҳазалар эса фақат илиқ гаплардан иборат бўлди. Ўзининг киришимлилиги, ҳозиржавоблиги билан мезбонлар меҳрини қозонган, оз фурсат ичида улар билан қадрдонлаша олган қувноқ ва шўх йигит Тайрон Вимснинг дил сўзларига бир қулоқ тутинг-а.

— Тўғриси айтсам, бундай ажойиб ва сўлим диёр — Ўзбекистоннинг борлиги ҳақида,

чехраларидан нур ёғилиб турган одамлар қуршовида бўлдик. Айниқса, тошкентлик тенгдошимиз Ширин Расулова хонадонидagi илиқликни бир умр ҳис қилиб юрсам керак. Мен бу инсонларни шу даражада севиб қолдимки, Шириннинг онасини мен ҳам “Онажон” деб атадим. Ўзимга эса ўзбекча Алишер деб исм ҳам қўйиб олдим. Она юртимизга қайтар эканман, бу ажойиб диёр ҳақида ҳамма-ҳаммага сўзлаб бераман. Американинг тоғлариданда гўзалроқ Шохимардон тоғларини узоқ муддат тушларимда кўрсам, ажабмас.

Ҳамроҳининг илиқ дил сўзларини тинглаб, маъқуллаб ўтирган Констанция Мисти Ли суҳбатимизга қўшилди:

— Ўзбекистонга қилажак

биримизни тушуна олармиканмиз? Қолаверса, тил масаласи?.. Ўзбекистонга келдимиз ҳақида гумонларимнинг ўринсиз эканлигига амин бўлдим. Ёшликнинг ҳамма мамлакатларда ҳам бир хиллигига гувоҳ бўлдим. Биз ўзбекистонлик ёшлар билан бир-биримизни яхши тушундик.

— Менинг исмим Пол Валерио, — дея даврага қўшилди бир йигит, — лекин сиз мени Амир Темур деб чақиринг. Чунки мен ўзимга шундай ўзбекча ном қўйиб олдим. Мен учун Ўзбекистон сафари кутганимдан ҳам қизиқарлироқ ва мароқлироқ ўтди. Айниқса, оромгоҳлардаги учрашувлар. Чунки мен болаларни жуда севаман. 11 ёшли ўзбек қизалоғи билан ака-сингил тутиниб ҳам олдим.

Сўз навбати бироз

тортинчоқроқ Жазми Жорденга берилди:

— Менинг сўзларим жуда қисқа: мен Америкага ўзбекона ҳурматни олиб кетяпман. Чунки, ўзбек халқининг меҳмон кутиш одоби, ўзаро ҳурмат-иззати, назокату нафосати, меҳмондўстлиги қаршисида мен лол қолдим. Шу қисқа фурсат ичида ўзлимни янада яхшироқ англагандек бўлдим. Истардимки, бундай дўстона алоқалар янада ривожланиб бораверса...

Америкалик болалар бир-бирларига гал бермай сўзлашпти. Бу илиқ сўзлар юракнинг туб-тубидан, самимият билан айтилаётганидан беҳад шод бўлиб, уларга оқ йўл тилаб қолдик.

Феруза ЖАЛИЛОВА.

Араб Амирликларига юборилган. Уларнинг баъзилари туялар пойгасида юз берган бахтсиз тасодифлар натижасида мажруҳ бўлганлар, ҳалок бўлганлар. Бу мусобақанинг Бирлашган Араб

Тенгдошларинг ҳаётидан

45 килограммгача деб белгиланган. Шу билан бирга кимда-ким чет эллик болаларни туя мусобақаларида қатнашиш учун Араб Амирликларига олиб келса, улар учун қаттиқ жазолар

мусобақага бағишланган фильмининг намоиш қилиниши ва унда бу мусобақада қатнашиб, мажруҳ бўлган бир қанча кичик ёшдаги болалар билан ўтказилган суҳбат Покистон ва

ТУЯЛАР ПОЙГАСИДА БОЛАЛАР

Амирликлариде бекор қилинишига жаҳоннинг эътирози ҳам сабаб бўлди.

Туялар мусобақаси — бу, тарихий, қизиқарли, араб ўйинларидан бўлиб, бошқа мамлакатлардаги футбол мусобақасига ўхшаб, араб халқи орасида жуда қадрланади. Газеталарда билдирилишича, Араб Амирликлари Спорт Қўмитаси томонидан туялар пойгаси мусобақасига бир қатор ўзгартишлар киритилган. Бундай ўзгартишлардан бири мусобақаларда болалардан фойдаланмаслиқдир.

Туя минувчи йигитларнинг вазни

белгилаб қўйилди. Одатда кичик ёшдаги болаларни сотиб олиш сўнги ўн йилликда Покистон, Ҳиндистон ва Суданда кучайган эди. Уларнинг вазнлари енгил бўлганиги учун туя мусобақалари пойгасида фойдаланиларди. Бу болаларнинг кўрқиб, бақириб йиғлашларидан туялар ҳам тезроқ югурардилар.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи турли гуруҳ ва ташкилотлар бундай мусобақаларда болалардан фойдаланишга қарши қаттиқ эътироз билдирдилар. Британия телевидениеси орқали шундай

бошқа мамлакатларда қаттиқ эътироз билдирилишига сабаб бўлди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи гуруҳлар Покистон давлатини Араб давлатлари билан болаларни олди-сотди қилишда айблади. Покистон давлати эса бир қанча чора-тадбирлар қабул қилди. Бугунги кунда 12 ёшлик покистонлик болаларга ота-оналарисиз мамлакатдан четга сафар қилишга ижозат берилмайди. Аммо контрабандистлар ҳар гал ҳам қонунларни бузиш йўлларини топмоқдалар.

“САДО” халқаро экспресс-ахбороти дан.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Темурбек Зарафшон Водийсига келганда лашкарига тўхташни буюрди. У тўққиз йил давом этган шиддатли жангу-жадалларда ўзини кўрсатган оддий навкарлардан тортиб мингбоши-ю, туманбошиларгача муносиб мукофотини олишини истаб, сўнг пойтахтга киришни хоҳлади.

Худди шу водийнинг бағрида ҳарбий ўлжаларни тақсимлаш бошланди.

Зарафшон бўйига юзлаб филлар, минглаб туялар карвони етиб келди. Уларга олтин-кумуш, жавоҳирлар тўла сандиқлар юкланган эди.

Катта байрамга тараддуд қилиб кетди. Навкарлар, зобитлар, мингбоши, турли унвондаги бек-амирлар кўтаринки кайфиятда.

— Ҳеч ким ўлжадан, мукофотдан бенасиб қолмасин.

Соҳибқирон фармонига кўра оддий пиёда, суворий ўнбошига, ўнбоши эса юз боши ва улар эса ўз навбатида мингбошиликка кўтариладиган бўлди. Оти жангда нобуд бўлган отликқа бир эмас, балки ўн тулпор совға қилинди. Икки отини йўқотганга қирқта тулпор.

Айрим юзбоши ва мингбошилар бутун-бутун, пода-пода йилқиларга эга бўлишди.

Лашкар шу кунга қадар бундай катта ўлжа олмаган эди. Турк султонларининг узоқ йиллар давомда тўплаган беҳисоб олтин кумушлари, жавоҳирлардан иборат хазинаси, Гуржистон, Арманистон ҳукмдорларининг қимматбаҳо тожлари, Султон Боязиднинг мухташам тахти, куйма олтин, ёмбилар шулар жумласидан эди. Ҳар бир сипоҳ, навкар, ўнбоши ва қўшни бошлиқлари хизматларига яраша ўз улушлари, мукофотларини олишди. Энг катта ўлжа — Самарқанд сайдларига тантанали топширилди. Бу бутун мусулмон оламида муқаддас ҳисобланган Халифа Усмон Қуръон эди.

VII асрда Муҳаммад пайгамбардан сўнг учинчи халифа саналган Усмоннинг ўз қўли билан ёзган “Каломи Шариф” муқаддас китоби безатилган фил устидаги махсус сандиқда Мир Саид Баракабош сайдлар ҳузурига жўнатилади.

Мукофотлар маросимидан сўнг вазирлар

Покистондаги

Бирлашган Араб Амирликлари эл-чихонасининг газеталари эълон қилишича, бундан кейин Бирлашган Араб Амирликлариде ўтказиладиган туялар пойгаси мусобақасида болалардан фойдаланилмайди.

Айтишларича, 1980 йилларнинг бошларидан то шу кунгача минглаб болалар (улар орасида тўрт ёшлилари ҳам бўлган) туялар пойгасини ўрганиш учун Бирлашган

ҳисоботи тингланиб, ўлжалар тақсимоти бошланди.

Шаҳзодалар Темурбекка жавоҳирлар билан безатилган тожларни тўхфа қилишди. Жаҳонгирга муносиб совға — филга ортилган Султон Боязиднинг мухташам тахти бўлди.

Темурбек голиб қўшини олди



ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАР

қудратли ҳукмдорга хос дабдабали либосда — тож кийган ҳолда чиқди. Ҳар бир саркарда, сипоҳ, суворий ўз улушини олишини кузатди. Олтин, кумуш, тақинчоқлар, дуру гавҳарларни улардан аямади.

Голиб лашкарга Темурбек бутун сафар

давомда йиғилиб қолган бир неча йилги маошни ҳам тўлашга амр қилди.

— Темурбек яшасин!

— Соҳибқирон марҳамати чексиз!

— Саҳоватда Ҳотам той!

Темур ана шу байрамда ўз қаҳрини ҳам намоиш қилди. Маҳфий даракчилар маълумотига кўра Самарқанд ҳокими порахўрлиги фош бўлди.

Барчанинг кўз ўнгиде одил ҳакам уни ўлимга маҳкум этди. Ҳокимга ҳомийлик қилиб юрган олий насаб амалдор Темурбек олдиға тиз чўқди.

— Дўстимнинг гуноҳидан ўтинг, соҳибқирон. Қанча хуни бўлса шунча олтин тўлай. Фақат бир қошиқ қонидан кечинг.

Темурбек сергак тортиб, раис-нақибларига қаради.

— Олиб бординг! — деди қатъий.

Самарқанд ҳокими қатори ўртаға тушган амалдор ҳам дорға тортилди.

“Куч — адолатда!” Темурбек шиори шундай ва унга доимо бекаму-кўст риоя қилинади.

Соҳибқирон оддий фуқародан тортиб ҳокиму-бекларга ҳам бирдек муомала қилди. Чунки у юрт отаси. Марҳаматда ҳам, қаҳрда ҳам бирдек.

Халқ бунинг гувоҳи бўлди. Мукофот ва

ўлжа тақсимотидан сўнг катта базм бошланди.

Минглаб қозонларда гўшт қайнайди. Баковуллар қўллари қўлларига тегмай хизмат қилишди. Кабобпазлар, новвойлар иши ҳам авжида. Улкан қўшинига тоғ-тоғ гўшт, нон етказишнинг ўзи бўладими? Ҳеч нарсe аялмайди!

Махсус мулозимлар Темурбекнинг ана шундай Фармонини олишган. Подшонинг амри вожиб!

Чодирларда беклар, ялангликда сипоҳлар базми авжида. Ғалаба мадҳини созанда-ю хонадалар куйлайди. Раққосалар хиром айлайди.

Баҳодирлар кўнглини овловчи барча нарсe муҳайё. Яшил майсалар, зилол сувлар, гўзал чехралар.

Темурбек содиқ барлос беклари ва навкарлари қуршовида бепоён қароргоҳини кўздан кечирарди. У қўшиндаги барча саркардалар, мингбоши, юзбошиларни шахсан билади. Улар билан суҳбатлашишга ҳам вақт топади. Темурбекнинг нигоҳини чодирлардан бири олдидаги шўх қийқириқлар жалб этди.

Даврада ёшгина йигитлар кураш тушмоқда. Атрофдаги томошабинлар иккига бўлиниб полвоиларни руҳлантиришарди. Мана, мўйлаби эндиғина сабза урган йигит рақибининг елкасини ерга теккизди.

Эҳтимол, бугунги ўқувчига буним уқадар таниш эмасдир. Лекин юз йил муқаддам у туркий дунёдаги энг машҳур ном эди. Уни Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербургда Бомбайгача билар эдилар.

У вафот этган 1914 йилнинг 11 сентябрида машҳур Наримон Наримонов шундай деб ёзган эди: "Миллат Исмоилбек каби қаҳрамонларини унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир".

У тириклигидаёқ миллатнинг отаси, раҳнамоси деган ном олди. Унинг энг катта хизмати — Русия сарҳадида яшаб турган, лекин замоннинг зайли билан бир-биридан узоқ тушган (тўғрироғи, узоқлаштирилган) ва бегоналашиш даражасига етган туркий халқларни бир-бирига танитиш бўлди. Беҳбудий сўзлари билан айтганда: "Русиядаги бутун турк-татар

"Улуғ вазифалардан ва улуғ интилишлардан қўрқманг! Улар улуғ воқеаларни тайёрлайди ва улуғ шахсларни етказди", деб ёзган эди қайсидир маърифатпарвар шахс.

Ҳа, бу бежиз эмас. Ҳамма замонларда ҳам маърифат байроғини кўтарган буюк инсонлар халқи ва Ватанини озод, келажак авлодни оқил ва ҳар ишга қобил кўриш ниятида қайғурганлар. Гарчи бу йўлда аянчли қисмат топган бўлсалар-да уларнинг ҳаракати тўхтамаган, аксинча — катта ишонч билан давом этаверган. Пировардида, Маҳмудхўжа Беҳбудий,

Исмоилни саккиз ёшида боғчасаройлик Ҳожи Исмоилнинг эски мактабига берадилар. Ўнга кирганида эса отаси Мустафобей онаси Фотиманинг эътирозларига қарамасдан, Оқмачитдаги губерния гимназиясига олиб боради. Унда икки йил ўқигач, Воронеж (Ёл Кермон)даги офицерлар ҳарбий ўқув юртига ўтади. Ўн уч ёшида Москвадаги Милютин гимназиясига ўқишини кўчиради. 1868 йилда уни битириб, Боғчасаройга

қайтади. "Занжирли" мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. Ўқиш-ўрганиш иштиёқи уни Туркияга, Истамбулга бошлаб келади. Ниҳоят, 1876 йилда Боғчасаройга қайтиб келади ва "Занжирли"да рус тили муаллими сифатида ишни давом эттиради. Шу йили уйланади. Бироқ, улар узоқ яшай олмайдилар, ажраб кетадилар. Исмоилбек муталаага берилади. Кунт ва сабот билан туркий тилни, тарих ва адабиётни ўрганади.

"Ҳаволансин, фазолансин, билинг, бу бир хумо, миллат!..."

Тошкентлик шоир Тавалло нимани кўзда тутмоқда? Назаримда, ундаги мантиқ шундай: миллатнинг равнақи учун, биринчи навбатда, ақл ва ғайрат керак. Ақл илмдан куч олади, маърифат билан чархланиб боради. Ғайрат эса иштиёқдан, меҳр-муҳаббатдан туғилади. Ақл ва ғайрат ишончни, ишонч ҳаракатни юзага келтиради. Миллат унга мансуб ҳар бир кишининг жони-жаҳони, бахтисаодати. Бинобарин хумо қуши. У кўкларга парвоз этмоғи лозим.

"Сўнгги йилларда Россиянинг Шарқдаги буюк маданийлаштирувчилик хизмати ҳақида тез-тез ўқишга ва эшитишга тўғри келмоқда, — деб ёзади Гаспринский "Рус мусулмонлиги" асарида. — Хўш, бу хизмат нимада намоён бўлиши керак? Наҳотки, унинг маъноси қозини

Абдулла Авлоний, Мирмулла Шермуҳаммад, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулқодир Шоқурий, Мунаввар Қори, Сўфизода каби ўнлаб маърифатпарвар шахслар етишиб чиққан.

Қуйида ана шу маърифатпарварлар турк дунёсининг юлдузи Исмоилбек Гаспринскийнинг (Гаспрали) серқирра фаолияти билан қисқача таништиришни лозим топдик. У ҳақда адабиётшунос олим Беғали Қосимовнинг "Исмоилбек Гаспрали" (Тошкент, 1992 й.) номли китобида ҳикоя қилинади.

МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

уезд бошлиғига, ноибни приставга, бекликни областу губернияга, уларни тан солиғию яна бошқа "бер-бер"ларга, ипак тўну бешметни дворянлик ёқасига алмаштириб кўйишдан иборат бўлиб, бошқа қилинадиган иш қолмаган бўлса?"

Гаспринский "Россиянинг Шарқдаги маданийлаштирувчилик роли"га мана шундай танқидий қарайди ва у саволга салбий жавоб беради. Уни аксинча, атайин илм-маърифатдан узоқда сақлаб келаётганликда, мусулмонларнинг тилини, динини, турмуш тарзини бузишда айблайди.

Рус тилида "Рус мусулмонлиги" номли асарини ёзди.

"Рус мусулмонлиги"

ҳажми катта эмас, икки босма тобоқ атрофидаги ихчам бир рисола. Лекин унинг аҳамияти жуда катта. У Русияда яшовчи мусулмонларни шу мамлакатнинг тенгхуқуқли фуқароларига айлантириш ва айни пайтда уларнинг ўз миллий, диний жиҳатларини сақлаб қолишга қаратилган дастурдир. Бу китоб босилиб чиқиши билан великорус шовинистларининг қаттиқ қаршилиғига дуч келди.

1884 йилда Гаспринский яна бир ишга қўл уради. Ўн икки болани янгича — "усули жадида" билан ўқитишга киришади. Ва қирқ кунда бурро саводини чиқаради. Имтиҳон қилиб болаларнинг ота-оналарини таклиф этади. Четдан кишилар келиб кўрадилар. Ҳаммабироғидан "усули жадида"нинг беқиёс имкониятини эътироф этади.

Хуллас, Исмоилбек икки йилда эски мактабда беш йилда оладиган таҳсилни ўргатишга муваффақ бўлади. Сўнг улар учун "Хўжаи сибён" ("Болалар муаллими") номли биринчи дарсликни тузади. Дарслик тўрт қисмдан иборат эди. 1-қисмда "Алифбе"га 27 дарс ажратилади. Қолган қисмларида турли фойдали маълумотлар ва ҳикоялар берилади. Улар орасида "Икки улуғ шоир" сарлавҳаси остида Пушкин ва Навоий

ҳақида ҳам маълумот берилган эди.

"Замонамизда дунёда яшамоқ учун инсонлар зиёда билмия (билмоққа) ва зиёда чолишмия (ҳаракат қилмоққа) муҳтождирлар, — деб ёзади Гаспринский 1898 йилда. — Ҳар бир одам зарурати диниясини ўргандикдан сўнг ҳар кўп ишда ва муомалада лозим ўлан (билук), ҳунар, саноеъ ва



камолате соира (бўлак) билмаса лозимдир. Булар ҳаммаси таҳсил ва таълим ила майдона келур".

Буюк ислоҳатчи 5-6 ёшдан 10-12 ёшгача бўлган турли савия, қарашдаги болаларнинг бир синфда маълум бир тартиб-қондасиз 7-8 соатлаб бир муаллим қўлида, кўпинча бир нарсани такрорлаб ўтиришини, уларнинг ўзлаштириш ва билимлари мутлақо назорат қилинмаслигини тарбияга хилоф билади. Алифбени билар-билмас ўқувчи учун тушунарсиз араби ё форсига ўтиб кетилишини хато ҳисоблайди.

Тарихимизда жадиличлик деб ном олган ва вакилларигина эмас, унга бир тегиб ўтган киши ҳам савдогар-буржуа, қаттол душман, йўқсул — пролетариатни эзиб, қонини ичган қонхўр сифатида қатағон қилинган ҳаракат шундан бошланган эди.

"Миллатчиликни бошқа "чилик"лардан фарқламоқ керак, — деб ёзади Исмоилбек. — Майли, миллатчиликни космополитлар ва бошқалар эскилик қолдиғи десинлар. Бу — уларнинг иши, лекин биз бошқача тушунамиз. Ҳар бир кишининг ўз йўналиши, ўз инкишоф йўли бўлмоғи керак. Русия ҳудудида яшовчи кўп миллатли турк қавми ўз шахсий, миллий, маданий қиёфага эга бўлишга ҳақлидир. Етар энди бировларнинг фикр-интилишлари билан қаноатланмоқ, ўзимизники бўлмоғи керакдир...

Биз, туркий халқлар, қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой девориғача ёйилган йирик бир тарихий-этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик ва ҳудди шундай яшамоғимиз керакдир.

Биз, туркийлар, ўз қонунлари ва турмуш-одатлари ила бир кўб салтанатлар майдонга келтирган қавм ўлароқ яшаб келдик ва бундан сўнг ҳам шундай яшаяжакмиз.

Исмоилбек ГАСПРИНСКИЙ

халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бирлаштирмоққа ноил ўлди".

У барча туркий халқларни яхлит, ягона давлат деб билди. Уларни ҳам илм-маърифатда, ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий қилган миллатлари билан тенг кўрмоқни орзу қилди. Бутун ақли-вужудини мана шу муқаддас ишга — миллатнинг равнақи ва муҳофазаси йўлига сарф этди. Бу шунчаки мутассибона бир орзу эмас, замонасининг баланд-пастидан хабардор, тарих ва тақдирни теран англаган, Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам баб-баравар билган ва баб-баравар кўрган бир кишининг аниқ ва режали хатти-ҳаракати эди. Афсуски, унинг бу ишларини айрим "дўстлар" шаккоклик, деб билдилар. Душманлари эса унга сиёсий айб қўйдилар. Туркий қавмларни Русия давлатига қарши бирлаштиришда, ягона турк-татар мамлакатини тузишга уринишда айбладилар. Вабу даъволар машҳум 30-йилларда жуда "иш" берди. Унинг номи, унинг хотираси авлодлар қалбидан юлиб олинди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас экан. Ҳақиқатни қанчалар чуқур кўмманг, бир кунмас бир кун юзага чиқар экан. Мана, даврон айланиб, Исмоилбек Гаспринский яна авлодларга қайта бошлади.

Хотирот

Узоқ-узоқларда ўтган болалик,
Мазаси ёдимда қолган қовунлар...
Ёшлигим ўтмишидан қолган эсдалик,
Номи бор, ўзи йўқ вайрон овуллар.
Қирларда боқилган қўйлар овози,
Эрта баҳордаги чўпон қағаноқ...
Мўътабар эскилик, чанговуз сози,
Боболардан қолган эътиқод, сабоқ...
Қирларга ҳар йили битган лолалар,
Оёқнинг азоби — саратон, янтоқ.
Офтобдан тўн кийган чексиз далалар,
Аянч.хотирамдай куйдирар қайноқ.
Нега эсга тушдинг бугун тун пайти,
Эзиб қийнамагин, гадоё хотирот.
Ҳозирги ҳаётнинг наъшаси, кайфи,
Умримга битилган инжудай баёт.

Сизларни соғиндим

Юракдан бўй чўзган юрак парчаси,
Осмонга бўй чўзар сиздек донларим.
Қулоқдан кетмайди қий-чув шарпаси,
Сизларни соғиндим, болажонларим.

Осмонда тиним йўқ, гувлайди шаҳар,
Боғлар ҳам тўқмоқда бунда барглари.
Қўз ўнгдан кетмайсиз ҳам тонгу сахар,
Сизларни соғиндим, болажонларим.
Қулоқдан аримас шаҳар шовқини,
Сизларсиз ўтмоқда менинг онларим.
Ишқмас билмайди меҳнат завқини,
Сизларни соғиндим, болажонларим.
Баъзан ёлғизлик ҳам чиқар ёдимдан,
Китоблар варақлаб ўтар кунларим.
Сиймонғиз аримас кўзим олдидан,
Сизларни соғиндим, болажонларим.
Машина зувласа кўчада бирдан,
Қалбим зирқирайди, тошар юрагим.
Асрайман ўзимча боламни ундан,
Сизларни соғиндим, болажонларим.
Шамолдан тўзгиса дарахтнинг сочи,
Тинчлигин йўқотар тинч хаёлларим.
Қачон сиз келасиз қулоқни оча,
Сизларни соғиндим, болажонларим.
Майли бу айрилиқ тугар тез кунда,
Соғ бўлинг ҳар доим, меҳрибонларим.
Хаёлдан ўчмасдир меҳрингиз менда,
Сизларни соғиндим, болажонларим.

Шоирлар-болаларга



Келажак этагин тутқазиб
берган,

Қайдасиз, эркатой сиз —
орзуларим

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

Эркатой орзуларим

Онам алласида бешикка кирган
“Мамма” деб бақирган илк бор зорларим.
Келажак этагин тутқазиб берган,
Қайдасиз, эркатой сиз — орзуларим.
Алифбо оламни очдингиз бир кун,
Юлдузни нарвонсиз урардим у пайт.
Орзулар бағрида учардим ҳар кун,
Ҳаёт ширин эди тўёки бир байт.
Бурнимга тақилган темир булоқи,
Эркатой орзулар, мени элтдингиз.
Сизни деб юрагим қовуннинг қоқи
Манзилга етказмай ташлаб кетдингиз.
Орзулар кўп ҳамон, қайдасиз эркам,
Мен май орзуманди, банги Маҳмудман.
Юртимда яшабу юртимни излаб
Юртсиз гадолардай юртда яшабман.
Орзулар, сиз менга умид етдингиз,
Қани, келинг энди суҳбат қурайлик.
Юртимни яшартган аслида сизсиз,
Бугун шу юртни деб қалбни берайлик.

Хайрат

Хайрон бўлдим бугун оламга боқиб,
Баҳор гулларига боғим тўлибди.
Ҳар бир гуллар унда ғазалдай, зоҳид,
Юрак дафтаримга меҳмон бўлибди.
Оламга яшиллик либосин сочиб,
Ҳалганчак учмоқда булутда куёш.
Булутлар борлиққа инжулар сочиб,
Гулларнинг кўксини безайди ювош.
Ошиққан гиёҳлар баҳорни бирдан
Чамандай гуллашдан бошлашар шошиб.
Кўплари қад ростлаб ўсаркан пурбарг,
Сўнг мағиз боғлайди бурчин эслашиб.
Боғимга боқдим тугилди савол:
— Қай бири ҳаётда донолик бунинг?

Барг ёзиб бошлашми, гуллашми аввал?
Қадри бир эмасми дону барг, гулнинг?

Соғинч

(Ўғлимнинг хиргойиси)

Бобомнинг оғрипти ўтган кун тиши,
Онам шунга кетди, тугаб бардоши.
Онажоним қачон келаркан энди.
Дадам-ла кузатдик, чиқариб йўлга,
Онамлар қўнади кўп узоқ йўлга.
Қачон келар экан, бизнинг онамиз?
Йўлга кузатдимиз кутамиз йўлни,
Қутишда кўзимиз зотан тўрт бўлди.
Қачон келар экан бизнинг онамиз?
Самолёт ҳам жуда тор бўлар экан,
Укамлар сиздию, мен ҳеч сизмадим.
Қачон келар экан бизнинг онамиз?
Тонгда бош борганда ёстиққа беҳол,
Қайтадан туғилар бу эски савол?
Қачон келар экан бизнинг онамиз?
Кечаси уйку-ла тинчланар жаҳон,
Негадир тинч эмас қўшнилари томон
Нега келавермас бизнинг онамиз?
Ўйинлар ўз йўлини топиб чопқиллар,
Негадир ёримас кулба хонамиз?
Нега келавермас бизнинг онамиз?
Дадам ош қилади куйдириб тагин,
Уни ҳам ўртайди соғинч юрагин?
Нега келавермас бизнинг онамиз?
Жаҳонни сув босса тўпиққа олмай,
Ўйнаб юрадиган бола саволи.
Юракни эзади жавоб ололмай,
Қачон келар экан бизнинг онамиз?
Уйқуда жаҳонни кезардик шошиб,
Онамиз келибди соғадан тошиб.
Дадажон, онамиз келибди мана,
Энди-чи, бобомга бизлар борамиз!!!



Тўрабой Али Пойга

Икки шунқор —
Шерзод, Беҳзод.
Туриб қатор
Миндилар от.

“Чух-чух”лайди
Беҳзод тинмай.
Карасайди,
Шерзод минмай.

Бирдай ёниб,
Беҳзод учди.
Зафар кучди,
Шерзод қолиб!...

Онанинг илк қўшиғи

Жажжи кўзим, оппоғим,
Кулча юзим, дўмбоғим.
Ўзим сендан айланай,
Сал кўрмасам, адоғим...


Эртақ сўзлай,
Маъносини англагин.
Ёд олишга гавҳарим,
Яхшисини танлагин.

Олайми ўйинчоғинг,
Қувноқ-ку, ҳозир чоғинг?
Бунча гўзал бўлмаса,
Билакдаги мунчоғинг?

Уйқунг келди, аллалай,
Ширин алладан айтгай.
Унда ҳам ухламасанг,
Бағрим олиб ухлатай!
Ёнар кўзим, алла-ё,
Оқ юлдузим, алла-ё,
Муҳаббатдаги илк бор
Босган изим, аллаё...

Бодринг

Полиздаги бодринг,
Пушта бўлиб қолибди.
Ҳар наҳорда сув беринг,
Қаранг, роса солибди...
Дехқони Шерзод полвон,
Тиззага ўрар шимни.
Сув очиб, кулар хандон:
“Биламан-да, ишимни!”
Босиб палаклар учин
Юриб узди пуштадан,
Бир этак ўзи учун,
Қолганларга “уч”тадан.



Хитой Халқ Республикаси, Шинжон Уйғур автоном туманининг “Торим гунчалари” ойномасидан олинди.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОВО.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ / масъул котиб /,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тягисе этуачи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗНИЙ ҚУМИТАСИ
Газета 1229 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧКУНИ» номи билан
чиққа бошлагани.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги “ШАРҚ” нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г — 492. 29939 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қогоз бичими А — 3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6